

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 16 сентябрь, № 182 (4845)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup>-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **185<sup>2</sup>-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ суви хисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай хисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ суви хисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай хисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш қўл миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ суви хисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай хисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамқоқ билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотнома-си, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **101-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

### «101-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни хисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай хисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 15 сентябрь  
№ УРҚ—220

## ЕНГИЛ САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида, хусусан, енгил саноатда ҳам улкан муваффақияتلарга эришилмоқда.**

**Б**уни ушбу тизимда ҳар йили ўнлаб янги корхоналарнинг ишга туширилаётгани, мавжудларнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани мисолида яққол кўришимиз мумкин. Биргина жорий йилнинг ўзида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига 267,7 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция жалб қилиниб, 22 та янги корхона фаоли-

### Кўргазма

ят бошлаганини айтиш қийин. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ички бозоримизни маҳсулотлар билан таъминлаш, балки енгил саноатчиларимизнинг экспорт салоҳиятини ҳам оширишда муҳим омили бўлмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит ислохотлар жараёнида тезлаштириб, кўплаб тўқимачилик корхоналари ташкил

(Давоми 2-бетда).

## БРИТАНИЯ КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА САРМОЯ КИРИТИШДАН МАНФААТДОР

**Нефть ва газ конларини қидириб топиш, қазиб олиш ва мавжуд конларни ишга туширишга ихтисослашган таниқли «Тетис Петролеум Лтд.» Буюк Британия — Канада компанияси ўзининг навбатдаги йилги ишлари Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Бу узоқ йиллардан бўён дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, МДҲ мамлакатларида нефть ва газ соҳасида ишлаб келаётган компания тарихида илгари бўлмагани билан эътиборли ҳисобланади.**

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистондаги Шимолӣ Уртабӯлуқ нефть конида олиб борилган бир неча ойлик ишлардан сўнг компания уни модернизациялаш эвазига ишлаб чиқаришнинг мавжуд суръатини оширишга эришиши ва келгусида янги технологиялар жалб этилганда, қазиб олишни янада қўпайтириш мумкин, деган хулосага келди.

— Ўзбекистонда ишлаётганимизга унча кўп вақт бўлмаганига қарамай, мамлакатимизнинг ҳамкорлик нуктаи назаридан ниҳоятда истиқболли эканини кўрмоқдамиз, — дейди «Тетис Петролеум Лтд.» компанияси раиси, президенти ва бош ижрочи директори, доктор Дэвид Робсон. — Бунди, биринчидан, мамлакатда барча тадбиркорлик фаолияти учун улкан аҳамиятга эга бўлган узоқни кўра биладиган сиёсий бар-

қарорликнинг мавжудлиги, иккинчидан, келажакка ишонч, ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакат иқтисодиёти ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини намойиш қилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Ўз тарихида биринчи марта Директорлар кенгаши йиғилишини Ўзбекистонда ўтказар эканмиз, биз дунёнинг муҳим минтақаларида етакчи ўрин тутган давлатлар билан ҳамкорлик қилишга қатъий тарафдор эканимизни яна бир бор таъкидлашни истардик. Ўзбекистон нафақат улкан энергетика захираликларига эга, балки мустақиллик йилларида хорижий сармояларни, хусусан, углеводород хом ашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасига жалб этишнинг қонунчилик базаси ва инсти-

тулашган шароитларини яратишга эришди.

Директорлар кенгаши йиғилиши чоғида келгуси ривожланиш стратегияси, жумладан, Ўзбекистонда хом ашё базасини кенгайтириш ва геологик-қидирув ишларини олиб бориш масаласини кўриб чиқиш тақлиф этилмоқда. «Тетис Петролеум Лтд.» ўзбекистонлик ҳамкорларига нафақат замонавий технологиялар, ноёб билим ва тажриба, балки янги сармояларни тақлиф этишга тайёр.

Шунингдек, мамлакат, унинг салоҳияти ва имкониятлари билан чуқурроқ танишиш мўлжалланган. Директорлар кенгаши таркибига ушбу соҳага юқори даражада ихтисослашган мутахассислар, менежерлар ва сиёсий арбоблар бор.

— Умид қиламизки, Директорлар кенгашининг Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган йиллик йиғилиши стратегик истиқболли ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ мақсадларини белгилаб олиш имкониятини беради, — дея ўз мулоҳазаларини яқунлайди доктор Дэвид Робсон.

«Жаҳон» АА.  
Лондон.

### Қарор ва ижро

публикаси Бош прокуратурининг ўринбосари Х. Халимов, ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Шодиев ва бошқалар Президентимиз тақдимномасига биноан қабул қилинган ушбу Қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва баррикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАФРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдимномасига асосан, шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги

муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқар-

масида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова, Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош прокуратурининг ўринбосари Х. Халимов, ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Шодиев ва бошқалар Президентимиз тақдимномасига биноан қабул қилинган ушбу Қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва баррикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.


Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

## Уй-жой қурилиши кўлами кенгаймоқда

**2009** йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда **4007** минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўтган даврда жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилгани, шу жумладан, кўплаб ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари тузилгани соҳада шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.



**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси доирасида баҳарлишиши ҳақидаги масала муҳокама этилди.**

## ДОЛЗАРЪ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

**Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.**

Кун тартибидеги масала юзасидан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК вакилининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларини ягона транспорт тизимига улаган «Навоий — Учқудуқ — Мискин — Нукус», «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» анги темир йўл магистралларининг қурилиши ушбу ҳудудлардаги жуда бой минерал хом ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштиришга кенг йўл очиб берди. Айниқса, Амударё устидан умумий узунлиги 681 метр бўлган кўприкнинг қурилиб, фойдаланишга топширилгани минтақалар ривожига муҳим ўрин тутди. Шу боис амалга оширилган барча ишлар аҳоли пунктлари инфратузилмасини ривожлантиришга ҳамда янги корхоналар барпо қилишга қаратилгани ва бу орқали 2000 йилдан 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигигача бўлган даврда 3346 та янги иш ўрни ташкил этилгани йиғилишда алоҳида қайд этилди.


Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш натижасида, айтиш жоизки, юк ва йўловчи ташиш имконияти сезиларли даражада ошди. Чунончи, 2009 йилнинг олти ойи давомида юк юнатиш 31,7 млн. тоннага етказилиб, 2008 йилнинг шу давrigа нисбатан ўсиш даражаси 105,4 фоизни ташкил қилди. Бундан ташқари, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчи фуқаролар поездларнинг келиш-кейтиш вақти, чипта-лар баҳоси, юк ва юк-багаж ташишлар нархи, вокзаллардаги темир йўл касалари, сақлаш камераларининг иш вақти тўғрисидаги маълумотлардан тўла-тўқис хабардор қилинаётди.

Йиғилишда, шунингдек, амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, республика бўйича темир йўл чипталарини сотиш ҳозирда эскирган «Экспресс-21» автоматлаштирилган бошқариш усули орқали амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йўловчиларнинг ички ва халқаро йўналишларда темир йўл чипталарисиз юришлари муаммоси ҳауузга ҳал қилинмаган.

Муҳокама жараёнида мавжуд муаммоларни бар- тафсил алоҳида қайд этилди.

Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш натижасида, айтиш жоизки, юк ва йўловчи ташиш имконияти сезиларли даражада ошди. Чунончи, 2009 йилнинг олти ойи давомида юк юнатиш 31,7 млн. тоннага етказилиб, 2008 йилнинг шу давrigа нисбатан ўсиш даражаси 105,4 фоизни ташкил қилди.

Зиёда АШУРОВА.



БИР РАҚАМ ШАРҲИ



**АКАДЕМИК  
ТЎХТАМУРОД ЖЎРАЕВ**

Ўзбекистон илм-фани оғир худоллик учради. Ийрик математик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тўхтамурод Жўраевич Жўраев 75 ёшида вафот этди.



Т. Жўраев 1934 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилди. 1958 йили Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, шу университет қошида аспирантурага ўқишга кирди. 1962 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1979 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоллигига, 1989 йилда ҳақиқий аъзоллигига сайланди.

1962 йилда Фанлар академиясининг Математика институтини кичик илмий ходим сифатида иш бошлаган Т. Жўраев ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида институтнинг катта илмий ходими, илмий котиби, бўлим мудири, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори, Математика институти директори, Тошкент давлат университети ректори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва унинг охиригача юртимизда ёш математик кадрларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Атоқли олим давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб, 1995-2000 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, 1995-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Академик Т. Жўраев республикамизда математика фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. У 3 та монография, юздан зиёд илмий мақола ва қатор ўқув қўлланмалари муаллифидир. Олимнинг илмий раҳбарлигида ўнга яқин фан доктори ва кўплаб фан номзодлари етишиб чиқди. Захматқаш олимнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, "Дўстлик", "Меҳнат шухрати" орденлари билан тақдирланган эди.

Ийрик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тўхтамурод Жўраевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Э. ЗОҲИДОВ, Р. ҚОСИМОВ, Ш. СОЛИҲОВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, Ш. АЮПОВ**

Гулистон шаҳридаги "Сарбонтекс" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида модернизация ишлари амалга оширилгач, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати янада яхшиланди.

**Маҳсулотлар сифати яхшиланди**

Айтиш лозимки, айни пайтда "Сарбонтекс" да ишлаб чиқарилаётган 20 турдан зиёд тиббиёт маҳсулотларига Россия, Украина, Қозоғистон сингари қатор мамлакатлардан буюртмалар тушмоқда. Корхона жорий йилнинг ўтган даврида хоризж

257 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилди. 460 киши меҳнат қилаётган жамоа ушбу кўрсаткични жорий йил охирига қадар 640 минг АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

**А. ШЕРНАЗАРОВ.**

**ПРОДАЕТСЯ:**

**ОФИС И СКЛАДСКИЕ ПОМЕЩЕНИЯ  
ДВУХЭТАЖНЫЙ ОФИС С ПОДВАЛОМ**

общей полезной площадью 1721 кв. метров,



расположенные по адресу: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Бакинская, 179а.

АКИБ "Ипотекабанк"  
Тел.: +99897 795-28-82, 8371 232-22-03.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан

**«Andijon elektr tarmoqlari» OAJ**

танловда қатнашишга таклиф этади.

**Танлов номи** — Андижон вилояти, Андижон шаҳрида (Эски шаҳар қисми) истеъмолчилардан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказилишининг асосий шартлари:** танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга қўлатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд:** Андижон вилояти, Андижон шаҳри.

**Танлов ташкилотчиси** — «Andijon elektr tarmoqlari» OAJ.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:**

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритиладиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қилидиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудда берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:** Андижон шаҳри, А. Хайдаров кўчаси, 53-уй. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

**Ариза беришнинг сўнги муддати** — 2009 йил 26 октябрь соат 18.00 гача.

**Танлов ўтказиш муддати** — 2009 йил 27 октябрь соат 10.00 да.

**Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим:**

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли

банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

- инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотномаси;
- инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**

- танлов ҳужжатларида мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Andijon elektr tarmoqlari» OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000300285972352, «Узсаноатқурилиш-банк»нинг «Бунёдкор» филиали, МФО: 00076, СТИР: 200230796, ХХТТ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: **Андижон шаҳри, А. Хайдаров кўчаси, 53-уй, «Andijon elektr tarmoqlari» OAJ.**

**Мулоқот учун телефонлар:** (8-374) 224-38-81, 224-38-82; **факс:** (8-374) 222-24-83.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорига сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорига бўлган гаров суммаси билан қафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар кун и маҳаллий вақт билан (шанба ва яшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

**ЖАҲОН** 24 соат ичида

**Кемалар тўқнашуви**

Германиянинг шимол-ғарбидаги Клеве шаҳри яқинида иккита юк кемаси бир-бирига тўқнашиб кетди.



Фалокат оқибатида 25 тонна дизель ёнилғиси Рейн дарёсига тўкилгани айтилмоқда. Кемалардан бири Германияга, иккинчиси эса Нидерландияга тегишли бўлган. Немис юк кемаси бортида 1100 тонна нефть маҳсулотини олиб кетаётган эди. Фалокатдан ҳеч ким жабранлмаган.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда. Воқеа жойида суви тозалаш ишлари олиб борилаётир.

**Инқироз касри**

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланганига қарий бир йил бўлди.

Бу фурсат ичида таназзул дунёнинг аксарият мамлакатларида катта иқтисодий зарар етказди, ишсизлик даражаси ошди, улар давлат ихтиёрига ўтказилган. Инқироздан қарий 80 фоз аҳоли қаттиқ азият чеккан. Улар бу вақтда арзон озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қийим-кечаклар сотиб олишга мажбур бўлишган.

**Ходимлар сонини камайтирмоқчи**

Осиёнинг ийрик авиакомпанияларидан бири — «Japan Airlines» яқин вақт ичида 6800 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи.



Бу ҳақда компания президенти Харука Нишииматсу билдириб ўтган. Бундан ташқари, компания мазмурияти жорий йилнинг октябр ойида инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш борасида муокаралар ўтказишни режалаштирмоқда. Изоҳлашчиша, «Japan Airlines»нинг фаолиятида сўнги беш йилдан буён барқарорлик кузатилмапти. Жумладан, ушбу даврнинг тўрт йилини авиакомпания иқтисодий зарар билан яқунлаган.

Хабарларга қараганда, «Japan Airlines»га сармоя киритишга «Delta Air Lines» ва «American Airlines» авиакомпаниялари қизиқиш билдирган.

**Хайрия тадбиридаги кўнгилсизлик**

Покистоннинг Карачи шаҳрида ўтказилаётган хайрия тадбирида кўнгилсиз воқеа рўй берди, дейилади «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги хабарига.

Ҳудуд аҳолисига ўн тарқатиш чоғида юзага келган ур-йиқит туфайли 20 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб кишилар турли даражада тан жароҳати олган. Қурбонлар орасида ёш болалар ва аёллар ҳам бор.

**Сайлов натижалари эълон қилинди**

Норвегияда ўтказилган парламент сайловларининг якуний натижалари эълон қилинди.

«Франс пресс» берган ахборотга қўра, сайлов бюллетенларининг 99,4 фозини ҳисоблаб қўрилган, мамлакат бош вазيري Йенс Столтенберг бошқарувидаги партия ғалабага эришгани маълум бўлди. Ушбу сиёсий ташкилот аъзолари парламентдаги 169 ўриндан 86 тасини эгаллашган. Қолган 83 ўрин эса муҳолифдаги консерваторлар, социал-либераллар ва Халқ партияси вакилларига насиб этди.

**МАГАТЭнинг янги раҳбари**

Австрия пойтахти Венада Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЭ)нинг Бош конференцияси бўлиб ўтди.

«Франс пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, йиғилишда ташкилот янги бош директор тайинланган. 1997 йилдан бери МАГАТЭга раҳбарлик қилиб келган Мухаммад ал-Бародейнинг ўрнини эндиликда мазкур ташкилотнинг япониялик вакили Юкия Аmano эгаллади. 62 ёшли Аmano янги лавозимга жорий йилнинг 1 декабридан киришади.

Хоризж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ УЧУН «HYUNDAI» ЮК МАШИНАЛАРИ ТАЪМИНОТЧИСИ**

Жанубий Кореянинг «Road International Co. Ltd» компанияси қуйидаги қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини таклиф қилади:



- «HYUNDAI» компаниясида ишлаб чиқарилган
- экскаваторлар (ғилдиракли ва ўрмаловчи)
  - самосваллар ва юк машиналари — 2,2-27,9 тонна
  - автобуслар — 15-50 ўринли
  - ёқилги ташувчи, трейлер ва бетон миксерлар

- ҲАМДА**
- тош майдалаш ва кум ишлаб чиқариш заводи — 50-600 тонна/соат
  - асфальт тайёрлаш заводи — 30-240 тонна/соат
  - бетон тайёрлаш заводи — 120-360 м³/соат муқим ва кўчма шаклларда
  - рух, алюминий ва бўёқ қопламали совуқ ёйилган пўлат ўрамлар

**БУЮРТМА БИЛАН**

Ваколатхона манзили:  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14, Germilea биноси.  
Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: + (998 71) 140-10-91, 140-10-92.  
E-mail: rico2008@mail.ru  
Web-site: www.rico21.com

**SONATA** Ўз йўлингни танла!

Туловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner Tel. 250-11-11

Завод TTEMZ илова қилади ва реализует:

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

- максимальная грузоподъемность — 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

**АВТОКРАНЫ:** для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах


- **КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 14 т
  - максимальная высота подъема — 14,5 м
- **КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 16 т
  - максимальная высота подъема — 22 м
- **КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
  - максимальная грузоподъемность — 23 т
  - максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА**

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.  
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

### КАМОЛ ТОПАЁТГАН ФАРЗАНДЛАР

Ифтихор



Жорий йилнинг 8-12 сентябрь кунлари Италиянинг Фермо шаҳрида зарбли чолғулар бўйича ўтказилган Халқаро мусиқа фестивалида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi Мусика ва санъатта ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчилари (суратда) Шомун Усубхонов биринчи ўринни, Жаҳонгир Файзуллаев учинчи ўринни эгаллади.

Бу икки ёш соҳанида литва чағулисида ўзларининг юксак маҳоратини намойиш этди.

Кеча ўқувчи ёшларимизнинг бундай улкан муваффақиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Халқ таълими вазири Ф. Шоумаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодининг истиқбол йўлида ҳамхўрлик кўрсатиши, уларнинг пухта билим олиши, миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбия топиши йўлида олаб борилаётган кенг қўламли ишловлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

### Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида "Янги уйғонинг даврида илм-фан ва таълим" халқаро кўргазмаси очилди.

Унинг очилиш маросимиде ҳукумат аъзолари, мамлакат парламенти — Мажлис депутатлари, вазирлик ва идоралар, етакчи жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олий ўқув юрталарининг ректорлари, илм-фан, таълим ва маданият арбоблари, Туркменистонда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари ва кўплаб хорижий меҳмонлар иштирок этишди.

Тадбирда дунёнинг 10 та давлатидан 30 дан ортиқ фирма ва компаниялар катнашди.

Компьютер, мультимедиа ва ахборот технологиялари, полиграфия ҳамда телекоммуникация соҳаси соҳаларидаги тақвир ва янгиликлари, мактаб, лаборатория ва спорт жиҳозларини ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришга ихтисослашган Хитой, Финляндия, Туркия, Исроил, Россия, Ўзбекистон Араб Амириликлари ва Ўзбекистон компаниялари кўргазмада ўз имкониятларини намойиш этдилар.

Халқаро тадбирда Ўзбекистондан сўнгги йилларда кўшни давлатлар, шу жумладан,

риш билан шуғулланади. Ўтган йилги компания Туркменистоннинг 35 та ўрта макта-

корхона томонидан етказиб берилаётган маҳсулотлар нафақат ўқув юрталарини зарур ўқув қуроллари билан таъминлаётгани, балки туркменистонлик ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга, синф ва аудиторияларнинг янгилашишига қўмаклашаётганини таъкидлади.

Кўргазма майдонинда компаниянинг мактабга таълим ёшдаги болалар учун мўлжалланган маҳсулотларига катта қизиқиш ва эътибор қаратилди. Бу ўринда болаларнинг интерфаол усулда таълим олиши таъминловчи маҳсулотларга қўри бaho берилди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг таълим ва фан соҳасини назорат қилувчи ўринбосари И. Сапариев ҳам "EXOLDING" компанияси маҳсулотларини юксак баҳолаб, корхонага ўтган йили буюртмаларини сифатли бажаргани, шунингдек, Туркменистон пойтахти ва вилоятларидаги кўплаб мактабларнинг физика, химия, биология хоналариға мос жиҳозлар етказиб бергани учун ўз самимий миннатдорлигини билдирди.

«Жаҳон» АА. Ашхобод

### Спорт • Sport • Спорт

## ЁШЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМИ



Шу кунларда футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) Испаниянинг Арбиль шаҳрида Мисрда бўладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати олдидан сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказмоқда.

Кўни кеча вакилларимиз жаҳон чемпионатининг яна бир иштирокчиси Гондурас ёшлар терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушдилар.

Дастлабки дақиқаларданок бахс мurosасиз тус олди. Таъкидлаш керак, бу борада ёшларимиз рақибларига қараганда мазмунлироқ ўйин намойиш этишди. Шу бoис хавфли вазиятлар ҳам кўпроқ Гондурасликлар дарвозаси олдига содир этилди. Натижада учрашувида Иван Нагаев ва Сардор Мирзаев бошлаган ҳужумни гол билан якунлади — 1:0. Бу ҳисоб ўйин охирига қадар ўзгармади. Аслида, футболчиларимиз бундан-да кўпроқ тўп киритишлари мумкин эди. Аммо яратилган имкониятлардан Санъат Шихов ва Ойбек Қўличев самарали фойдалана олмашди.

Эслатиб ўтамиз, Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари навбатдаги назорат ўйинини 19 сентябрь кўни Коста-Рика ёшлар терма жамоасига қарши ўтказишди.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

## «Нефтчи»нинг ажойиб ғалабаси

Кеча Фарғонадаги марказий стадионда футбол бўйича Осиё кубоги бeллашувларининг дастлабки чорак финал учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Фарғонанинг «Нефтчи» клуби Гонконгнинг «Саут Чайна» жамоасига қарши майдонга тушди. Ута драматик тарзда кечган баҳсда муҳлислар дарвозаларга оз эмас, кўп эмас, нақ тўққизта тўп киритилганининг гувоҳи бўлишди. Учрашунинг 5-дақиқасидаёқ Мансур Саидовнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисобда олдинга чиқиб олган ўртоқлашимиз ҳақ қилувчи сўнгги — бешинчи голни ҳамма томонидан кўшиб берилган тўртинчи дақиқадагина киритишга муваффақ бўлишди.

Шу кўни фарғоналикларнинг моҳир ҳужумчиси Анавар Бердиев учрашув қаҳрамонига айланди, дейиш мумкин. У 33, 44, 81 ҳамда 90+4-дақиқаларда рақиблар дарвозасига тўп йўллаб, жамоаси ютуғига муҳим ҳисса қўшди. Яқунда вакилларимиз 5:4 ҳисобидаги ажойиб ғалабани кўлга киритдилар.

Чорак финалнинг кейинги учрашуви 30 сентябрь кўни бўлиб ўтади.

Ҳасан ТОШХҲАЕВ.

## ОБ-ҲАВО (16 сентябрь)

**Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгаричи туради, ёнғинчилик бўлмайд. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Намой вилоятлари.** Ёнғинчилик кўпаймайд. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгаричи туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгаричи туради, ёнғинчилик бўлмайд. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши кўпаймоқда. Тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгаричи туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-14, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## «МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2009 йилнинг IV чорагида кўйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

**САРИЁЁ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.**

Тендер тақлифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун хар кўни соат 9.00 дан 17.00 гача кўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Нивёзбек йўли 7-тоғ кўчаси, 27-уй.

Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер тақлифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 28 сентябрь кўни соат 17.00 гача.

## ФАН ВА ТЕХНИКА

Қарши муҳандислик-иктисодий институт олимлари томонидан полиз экинлари экишда ерга алоҳида ишлов берувчи махсус агрегат яратилди.

## Самарали, тежамли агрегат

Бир вақтнинг ўзида ушбу агрегатда ерга уруғ қадаш, тупроқ қатламини юмшатиш, суғориш учун жўяк олишга қараганда бу агрегат жараёнларни бажариш мумкин. Унда фойдаланиш натижасида иқтисодий тежамкорликка эришилди, меҳнат ва ёнчилги сарфи 25-28 фоизгача камайдди, иш умумдорлиги эса 21-25 фоизга ошди.

## Иқлим ва экотизим

ЎзФанинг Қорақалпоғистон бўлими Оролбўйи иқтисодий-иқтисодий муаммолари институти тадқиқотчилари томонидан иқлимнинг Оролбўйи экотизимини ўзгаришлариға таъсирчанлигининг математик модели ишлаб чиқилди.

Ушбу модель ёрдамида ҳудуднинг ҳароратли ва намли майдонига таъсир этиш чегараси аниқланиб, денгиз сатҳининг пайсаяиши, қўриган қисмидаги ўзларнинг кўтарилиши, ўсимлик қатламнинг емирилишига оид бир қатор тадқиқотлар ўтказилди.

Маъруз иланишлар Оролбўйи минтақасида қўшқоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириши янада ривожлантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## «Рагосин» — гепатитга қарши

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти олимлари томонидан вирусли гепатит хасталиғига қарши ишлаб чиқариладиган янги тиббий восита яратилди.


«Рагосин» деб номланган ушбу восита гепатит билан хасталанган беморларға қўлланилганда, қувватсизлик, бош оғриғи, кўнгил айниши сингари ноҳуш ҳолатларни бартараф этади. Жигар фаолияти яқшилади, бемор организмидаги гепатит вирусини чиқариб ташланади.

Жигар хасталиғида энг самарали бўлган ва синодан муваффақиятли ўтган ушбу дори воситаси институтнинг тажриба базасида ишлаб чиқарилмоқда.

О. ПАРТИЕВ.

**И**спания ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель-Анхель Моратинос жаноабларининг «Халқ сўзи» газетаси 2009 йил 4 август сониде эълон қилинган «Бухоро — умумбашарий тарихининг гувоҳи ва амалдаги иштирокчиси» сарлавҳали мақоласи ақсарият юртдошларимизнинг бефарқ қолдирмаганлиғи рoст. Чунки унда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқимиз, унинг бетакрор маданияти ва Мустақиллик даврида тарихий меросга нисбатан шаклланган эҳтиром, оқилона муносабат ҳақида илиқ, самимий ва одилона фикрлар билдирилган.

# ЮРТИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ОЛАМДА ҚАДРЛАНАДИ



«Дунё бўйлаб амалга оширган кўплаб сафарларим чоғида Кордовани эслатиб турувчи маълумотларни кўп бор уратганман, — деб ёзади Мигель-Анхель Моратинос. — ...Аммо ҳеч қаерда Кордова билан боғлиқлик Бухородагидек кўнгилда кўчли ва ҳажонли ҳисларни уйғотмаган». Айтишларича, Бухорога хос бўлган яна бир хусусият борки, бу — ундан нур таралишидир. Ҳақиқатан, ой чикмаган қоронғи тунларда ҳам Бухоро қандайдир ёритилгандек бўлиб туради. Унинг мана шу хусусиятини испаниялик меҳмон ҳам эътироф этади. «Бу қўна маскан ўздан шундай бир улғувор нур таратадики, — деб ёзади Моратинос, — у шаҳарнинг ажойиб осорнатикаларида акс этади, кўзни қувонтиради».

Бу бежизга бўлмас керак, албатта. Бу зиебахшилик манбаи Ислам динининг маънавий-маърифий асосларини шакллантириб берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳожагон силсиласининг асосчиси Ҳўжа Абдуллоҳиқ Гўждувоний, Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбандларнинг кучи-қудратиде эмаскино? Ахир бизни араб мамлакатларида бежиз эъзозлаб «бухорийлар» деб аташмайди. Шу тўғриси Термизий ҳам, Мотуридий ҳам, Ислам фикҳ оламида муҳим ўрин тутган асар — «Ҳидоя»нинг муаллифи Бурхониддин Марғиноний ва юзлаб бошқа юртдош олимларимиз ҳам «бухорийлар» саналади.

Мана шу бухорий буюк аждодларимизнинг илми билан биргаликда бошқа юртларға маданиятимиз тамойиллари кириб борди ва уша юртлар моддий-маънавий маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, дунёға машҳур гиламлар «Бухори» деб аталади. Европача каминларнинг келиб чиқишиға са-

кейинчалик бошқа юртларға тарқалган. Бу заминда етишган алломалар ўз даврида бошқа олис давлатларға ҳам тақдир этилиб, ўзлари билан Бухоро зиёсини оламға ёйганлар. Жаноб Моратиноснинг Ибн Сино ва Фарғонийларнинг Кордовада Ал-Андалус олимлари билан бирға ишлаганиликлари ҳақидаги маълумоти фикримизни янада мустаҳкамлайди.

«Бухоро тарихидаги ўзининг муҳим ўрниға қарамай, — деб ёзади испаниялик меҳмон, — шурулар мамлакатни тарихида бўлган даврда халқро маданият йўналишлардан узоқлашиб

айтадилар. Кароматни қарангки, ўша айвон солиниши лoзим бўлган жойининг пойдевороти текислаётганда, айвоннинг ўрта аслардаги пойдеворлари қолдиқлари очилиб қолади. Мана шу ҳовли айвонлари бугунги кунда нафақат зиёратгоҳ, балки улкан амалий санъат ва нақш санъати галереяси сифатида барчани лoл қилдириб келмоқда. Ундан ватандош ва хорижий сайёҳларнинг қаддини узилмайди. Бу маҳмуа яқинидаги Ҳазрат Баҳоуддин онасининг қабри ва унинг атрофидаги мажмуа ҳам таъмирдан чиқарилиб, ободончилик ишлари амалға оширилди. Шаҳар экологиясини бузаётган пахта заводи ва баъзи бир бошқа объектлар шаҳар ташқарисига кўчирилди, кўчалар созланиб, гулдор, ариқ ва фаворалар бунёд этилди. Шаҳар ичидан оқиб ўтадиган Шохруд тозаланиб, ёнбағирлари таъмирланди, унга мўқoса қилиниб, янги шаҳар ариғи ўтказилди. Чор Бақр мажмуаси, Сайфиддин Боҳарзий, Чашмаи Айюб макбаралари, шаҳар Арки, Масжиди Калон, Амир зиндони таъмирланди. Моҳир таъмирчиларимизнинг қўли тегаман обиде қолмади. Бунзиб кетган Амир Кулол, Ҳўжа Исмаил, Биҳиштиён, Кабул Аҳрор макбаралари бугун қайтадан алоҳида кўр ва жило таратмоқда.

Яқинда биз Бухорода яна бир қувончи воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда собиқ шурулар даврида бузиб ташланган шаҳарнинг ўрта аслардаги Самарқанд ва Шайх Жалоол дарвозалари қайта тиклана бошланибди. Кейингисининг ёнида захлаб ётган шаҳар девори янгида бунёд этилибди. Унинг келбати Миср эҳромларини эслатади. Сўнгги пайтларда оқиб борилаётган таъмир ишларининг ичиде Имом ал-Бухорийнинг устози Имом Абу Ҳафси Кабир шарафига Ҳазрат Имом деб номланган қабристонда Бухорилик буюк муҳаддислар қабрининг устида тикланаётган даҳма ва зиёратхона диққатга сазовордир. Мана шу макбараларнинг атрофи тозаланаётганда, тупроқ уюмлари орасидан Имом Бухорийнинг иккинчи бир устози Абу Ҳафси Сағирнинг қўртбурчак шаклда ишланган сопол қабртоши топилади. Бу сопол булакчаси Бухорода топилган энг қадимий қабртош эканлиғи ва асосийси, ноёб тарихий далил, ҳўжжат эканлиғи билан қимматлидир. Бухорода бугунги кунда мана шундай хайрли ишлар амалға оширилмоқда.

## Олтин мерос

Ўз уртини эъзозлаган оламда ҳам қадрланади. Халқимиз меҳнати, ижоди, бунёдкорлиғи билан Ўзбекистонни йил сайин тобора гўзал мамлакатға айлантирмоқда. Бухорода кўна шаҳарларға иккинчи — янада навқирон ҳаёт бахилламоқда. Ва бунинг энг мартабали хорижий намонданлар ҳам кўриб, тан бериб, алқаб гапирмоқдалар.

Мухаммад АҲМЕДОВ, мезморчилик фанлари доктори, профессор.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚўЗЎМАЛАР тахрир қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материаллари

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — З. Худойшукуров.  
Мусахҳас — С. Исомов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсмахонасиде. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.15

1 2 3 5

**NEW HOLLAND TL5060**

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58

NEW HOLLAND AGRICULTURE

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИГИЗ — БИЗНИНГ ВАЗИФИМИЗ

**Ишлаб чиқарувчи корхона аҳоли ва корхоналарға кўйидаги хизматларни кўрсатади:**

- қалинлиғи 10 мм. гача бўлган барча турдаги металлари буюкиш;
- барча пайвандаш хизматлари;
- мижоз материалдан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариши.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.